

Ҳужжат имзоланган:

сана:2022.06.20 10:02:31  
серия рақами: 778ff487  
компания:EXPERT PREMIUM PRICE MCHJ  
СТИР: 302559401  
фиш: ДАВЛАТОВ ШОКИРЖОН  
email:

сана:2022.06.20 12:53:40  
серия рақами: 77829a90  
компания:NAMANGANDONMAHSULOTLARI AJ  
СТИР: 200048234  
фиш: МАХМУДОВ АКМАЛ  
email:



**11ECF0562C1C83189BD71E0008000075**

электрон ҳужжат идентификатори

**ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ПРОТОКОЛИ**

Etказиб берувчи	<u>MCHJ EXPERT PREMIUM PRICE</u>	Сотиб олувчи:	<u>"NAMANGANDONMAHSULOTLARI" AJ</u>
СТИР	<u>302559401</u>	СТИР	<u>200048234</u>
Манзил	<u>Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Ботирма МФЙ, 31</u>	Манзил	<u>NAMANGAN VILOYATI, NAMANGAN SHAHRI, TEMIRYO`L KO`CHASI, 5-UY,</u>

**Ҳужжат ҳақида маълумот**

Ҳужжат номи	Шартнома
Ҳужжат рақами ва санаси	№ 4136 дан 16.06.2022
Шартномага	№ 4136 дан 16.06.2022

# БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ

## ШАРТНОМАСИ №4136

Тошкент шаҳри

16.06 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва Ракобатни ривожлантириш Давлат кумитаси томонидан 2013 йил 28-июнда берилган LITSENIYA ҳисоб серияси BL 001, тартиб рақами 0013, LITSENIYA қайд этиш рақами RR-0168-сонли лицензияси ва ООО «ALFA INVEST» Сугурта компаниясининг 04.08.2022 йил берилган №28/13-00-00/0102-21-сонли сугурта полисига асосан фаолият юритувчи “**EXPERT PREMIUM PRICE**” МЧЖ мулкнинг бозор қийматини баҳолаш ташкилоти томонидан Низомга асосан иш юритувчи директор Ш.Ш. Давлатов (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади) ва «**НАМАНГАНДОНМАХСУЛОТЛАРИ**» АЖ томонидан Низом асосида иш юритувчи бош директор: А.Махмудов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади), ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАВЗУИ

1.1. «Буюртмачи» корхонага тегишли булган мол-мулкни баҳолаб беришлик учун, керак булган ҳужжатларни тақдим этади, «Ижрочи» баҳолаш учун «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган суров хатида курсатилган маълумотларга асосан баҳолаш ишларини амалга оширади ва ёзма хулоса берилишини таъминлайди. «Буюртмачи» томонидан бериладиган ҳужжатларда мол-мулклар номлари, микдори – сони, манзили, мулк эгаси, мулк эгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда мулкга таъаллуқли батафсил маълумотлар курсатилган ҳолда топширилади.

1.2. «Ижрочи» 1999 йил 19-августдаги Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, 2013 йилнинг 10-июлда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва Ракобатни ривожлантириш Давлат кумитаси томонидан берилган ҳисоб серияси BL 001, Тартиб рақами 0013 RR 0168-сонли лицензияси ва уз Низомига асосланган ҳолда «EXPERT PREMIUM PRICE» МЧЖ штатида ишлайдиган, ҳамда шартномада курсатилган иш ҳажмини бажаришликни уз зиммасига олади.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Ижрочи» «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосланган ҳолда мулкни баҳолаш хулосаларини шартнома тузилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида бажармаганлиги учун қонун доирасида жавобгар ҳисобланади.

2.2. «Буюртмачи» ушбу шартнома буйича «Ижрочи» учун зарур булган барча маълумот ва мулкларнинг ҳужжатларини уз вақтида тақдим этади.

2.3. «Ижрочи» томонидан шартномада курсатилган мажбуриятларни бажариш жараёнида «Ижрочи»нинг талабига қура «Буюртмачи» курсатилаётган хизмат учун зарур булган ҳужжатларни тайёрлаш, улардан нусхалар қучириш ва бошқа мулкни баҳолашига таъаллуқли ишларни бажаришда «Ижрочи»га яқиндан амалий ёрдам беради.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Шартнома имзолангандан сунг «Ижрочи» томонидан тузилган ҳисоботни қабул қилишдан «Буюртмачи» бош тортган тақдирда Шартнома суммасининг 50 фоизи микдорида жарима тулайди.

3.2. Томонлар узларига олган мажбуриятларини умуман бажармаганликлари ёки уни тулалигича бажармаганликлари учун амалдаги қонунлар ва ушбу шартномада курсатилган шартлар буйича жавобгардирлар.

3.3. Шартномага қура баҳолаш хизмати билан боғлиқ булган ишларни бажариш учун «Буюртмачи» томонидан тулик булмаган ёки ёлгон, қалбаки ва сохта маълумотлар берилган тақдирда «Ижрочи» жавобгарликдан озод этилади.

### 4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

4.1. “Бажарувчи” мулкнинг бозор қийматини баҳолаш хизматларини амалдаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан, ягона миллий баҳолаш стандартларига амал қилган ҳолда кўрсатади.

4.2. Мулкнинг бозор қийматини баҳолаш хизмати кўрсатиш бошланган кундан бошлаб, кўпи билан 30 (ўттиз) календарь кунигача бўлган муддатда яқунланади. “Буюртмачи” ва “Бажарувчи”нинг ўзаро келишувига асосан ушбу муддат узайтирилиши мумкин.

Агарда “Буюртмачи”да мулкнинг бозор қийматини баҳолаш хизматларини кўрсатиш муддатларини тезлаштириш зарурати юзага келадиган бўлса, унинг муурожаатига кўра “Бажарувчи” ўз имкониятларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатишни яқунлашни тезлаштириши мумкин.

4.5. Бажарилган хизматлар мулкнинг бозор қийматини баҳолаш хизматларини топшириш ва қабул қилиш далолатномаси асосида топширилади ва қабул қилиб олинади.

Агарда “Буюртмачи” кўрсатилган мулкнинг бозор қийматини баҳолаш хизматларини қабул қилиб олишдан асосиз бош тортса, “Бажарувчи” мулкнинг бозор қийматини баҳолаш хулосасини почта орқали “Буюртмачи”нинг юридик манзилига жўнатади ва ушбу ҳақида “Буюртмачи”ни ёзма равишда (факс, электрон почта ёки бошқа усулда) хабардор қилади.

Бунда баҳолаш ҳисоботи ва баҳолаш хулосаси почта орқали жўнатилган кундан эътиборан кўрсатилган баҳолаш хизматлари “Буюртмачи”га топширилган деб ҳисобланади.

## 5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРОИТЛАР

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупцияга қарши қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунчиликка риоя қилишни таъминлайдилар; уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициар ва уларнинг ҳамкорлари, шартномани амалга ошириш учун пудратчилар пора бериш ёки пора олишдан, тижорат порахўрлик, порахўрлик воситачилигида, давлат органи ходимининг порахўрлиги, давлат иштироки, ёки моддий ёки номоддий фойда олиш. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

5.2. Томонлар дарҳол(е-почта орқали) ёзма равишда бир-бирига хабар мажбуриятини anticorruption@brz.uz ) ёки ишонч телефонига қўнғироқ қилиб(+99899-996-12-14) коррупцияга қарши қоидалар ёки асосли гумонлар бузилган тақдирда. Томонлар вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма тушунтириш талаб қилиш ҳуқуқига ега бўлиб, муурожаатни қабул қилган томон 10 (ўн) иш куни ичида ўз фикрини баён қилиши ёки изоҳлаши мумкин.

5.3. Ушбу модда талабларига, жумладан, коррупсия хавф-хатарларини белгиланган муддатда баргараф етиш, тарафлар томонидан коррупцион вазиятнинг камайишига олиб келмаган чора-тадбирлар бажарилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига ега.

5.4. Ушбу моддада назарда тутилган асослар бўйича келишувни бир томонлама бекор қилишни талаб қилувчи тарафга етказилган зарарларни қоплаш ушбу шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади, ушбу модданинг мажбуриятларини бузган тараф еса келишувнинг бир томонлама бекор қилиниши натижасида келиб чиққан зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли емас.

## 6. ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Бажарилган мулкнинг бозор қийматини баҳолаш хизмати ҳақи: **22 000 000 (йигирма икки МИЛЛИОН) сўми** ташкил этади.

6.2. Мулкнинг бозор қийматини баҳолаш хизмати бошланиши олдидан «Буюртмачи» хизмат ҳақининг 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак тўлайди.

6.3. Бажарилган мулкнинг бозор қийматини баҳолаш хизмати далолатнома асосида топширилгандан сўнг қолган суммани 10 (ўн) календарь куни мобайнида тўланади.

7.4. Тўлов белгиланган муддатдан кечиктирилган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган календарь кун учун кечиктирилган сумманинг 0,05 (ноль бутун юздан беш) фоизи миқдорда, лекин кечиктирилган сумманинг 50 (эллик) фоизидан ошмаган миқдорда устама тўлайди.

## 7. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА УНИ ЗАРУР ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИ

7.1. Шартнома у имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва шартнома шартлари тўлиқ бажарилгунга ёки бекор қилингунга қадар амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилади ва иккаласи ҳам бир хил кучга ега бўлади. Бир нусхаси “Буюртмачи”да ва бир нусхаси “Бажарувчи”да сақланади.

7.3. “Бажарувчи” хизмат кўрсатишни якунлаш муддатларига амал қилмаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган календарь кун учун кечиктирилган сумманинг 0,05 (ноль бутун юздан беш) фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган сумманинг 50 (эллик) фоизидан ошмаган миқдорда неустойка тўлайди.

7.4. Баҳолаш ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган барча ахборот “Буюртмачи” томонидан тақдим этилмаган тақдирда, “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ “Бажарувчи” баҳолаш ўтказишдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда “Буюртмачи” “Бажарувчи”га Баҳолаш хизматини кўрсатиш бўйича бажарилган иш учун пропорционал равишда ҳақ тўлайди, яъни бажарилган иш фоизини шартнома суммасига кўпайтирган ҳолда ҳақ тўлайди. Шунингдек, “Буюртмачи” “Бажарувчи”га шартнома суммасининг 20 (йигирма) фоизи миқдорида неустойка ҳам тўлайди. Бажарилган ишлар ҳажми ва фоизи баҳолаш режаси асосида аниқланади ва ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилмайди.

## 8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Форс-мажор ҳолатлари амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

## 9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Шартнома шартлари бўйича пайдо бўлган барча низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади, келишувга эришилмаган тақдирда эса «Бажарувчи» манзили бўйича иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

9.2. «Буюртмачи»нинг манзили «Бажарувчи» ходимларининг доимий турар жойидан узок масофада жойлашган бўлса, «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг ходимларини турар-жой билан таъминлайди.

«Буюртмачи» жойлашган ҳудудда умумий овқатланиш объектлари мавжуд бўлмаган тақдирда, Баҳолаш хизмати кўрсатиш муддати мобайнида «Бажарувчи»нинг ходимларини овқат билан таъминлаш «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»:	«Буюртмачи»:
<p>«EXPERT PREMIUM PRICE» МЧЖ  Манзил: Тошкент шаҳар Бобур кўчаси 45-уй  Ҳисобрақам: 20208000500203932001  ЧЗАКБ «ДАВР БАНК» Чилонзор бўлими  СТИР 302559401, ОКЭД 84500</p> <p>Имзо: _____  Исм-шариф: <u>Давлатов Ш.Ш.</u></p> <p>М. Ў.</p>	<p>«НАМАНГАНДОНМАХСУЛОТЛАРИ» АЖ  Манзил: Наманган шаҳар Темирийулчилар кўчаси №5-уй.  Ҳисоб рақам: 20210000300208345001  «Агробанк» АТ Давлатобод филиали  МФО: 00259, СТИР 200048234,</p> <p>Имзо: _____  Исм-шариф <u>А.Махмудов</u></p> <p>М. Ў.</p>